



**Ilmiy amaliy
jurnal
№ 12 (14)
2025**

**YANGI
O'ZBEKISTON
IQTISODIYOTI**

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali 12-son 2025 yil*

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLY TA‘LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

**MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI
O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI

12

ISBN 978-9943-5256-3-4

Toshkent – 2025

MUNDARIJA

| | |
|---|-----|
| Юлдашев Ш.Г. Редкоземельные металлы в новой геоэкономике: глобальные стратегии и приоритеты развития республики Узбекистан..... | 7 |
| Tursunov A.M. Совершенствование экономических механизмов функционирования отрасли. | 18 |
| Umurzakova Z.S. Sanoat korxonalarida reklama faoliyati samaradorligini aniqlashning uslubiy jihatlari..... | 21 |
| Axunov M.A. Korxonalarda raqobatbardoshlikni baholash uchun tanlangan omillar..... | 24 |
| Исраилова Д.К. “Аёллар дафтари” маҳаллабай тизими - аёллар бандлиги ва фаровонлигини таъминлаш омили сифатида..... | 28 |
| Шокирова Г.М. Критерии разделения целевой аудитории в сфере цифрового маркетинга..... | 33 |
| Vaxtohonova D.N. Bank omonatlari bo‘yicha marketing strategiyalari va ularning real daromadlikka ta’siri..... | 36 |
| Xasanova X.F. Investitsilar hisobiga asoslangan xolatda moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari tashkil etish tartibi..... | 41 |
| Бегимова Д.К. Разработка отраслевых стратегий в Узбекистане..... | 45 |
| Mirzayev B.S. CBDC joriy etilishining moliyaviy barqarorlikka ta’siri: imkoniyatlar va xatarlar.... | 50 |
| Mirzarahimova A.A. Raqamli texnologiyalar asosida sanoat korxonalarida samaradorlikni oshirish yo‘nalishlari..... | 53 |
| Азимов О.Т. Ҳалол молиялаштириш инструменти сифатида мурабаха: анъанавий кредит билан қиёсий таҳлил..... | 56 |
| Халмирзаев А.А. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ихтисослашувини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари..... | 62 |
| Шоабдурахимова М.М. Повышение производственной эффективности на предприятиях электронной промышленности на примере Artel Electronics (Узбекистан)..... | 68 |
| Xolmuratov O.T. Futbol maktablarimiz rivojlanishida xorij mamlakatlari menejmenti va marketingi tajribasi..... | 72 |
| Yarashev M.O., Nabieva S.A. Aksiyadorlik jamiyatlarini asosiy va moliyaviy faoliyati samaradorligini oshirish yo‘llari..... | 76 |
| Кабилова К. Тадбиркорлик соҳасида коррупциянинг олдини олиш амалиётининг бугунги ҳолати таҳлили..... | 80 |
| Махмудова С. Бюджет соҳасини коррупциядан ҳимоя қилишнинг иқтисодий ва ҳуқуқий чоралари..... | 85 |
| Захидова Ш.Ш. Университет барқарорлигини таъминлашда унинг фаолиятини халқаро стандартларга мос келадиган тартибда такомиллаштириш..... | 89 |
| Saidaxmedov N.X. Raqamli texnologiyalar asosida engil sanoat korxonalarida mehnat unumdorligini oshirish mexanizmlari..... | 97 |
| Усманова С.С. Влияние государственной поддержки и регулирование на развитие инноваций на промышленных предприятиях..... | 100 |
| Madrahimov U.A. Iqtisodiy o‘shish va kapitaldan samarali foydalanishni optimallashtirish yo‘nalishlari..... | 104 |
| Джалилов Д.А. Капиталнинг ялли ички маҳсулотдаги улушини баҳолаш..... | 108 |
| Султанова Л.Ш. Абсорбционная способность как медиатор трансформационного экономического роста: теоретические основы..... | 111 |
| Mahmudov Sh.N. Location and development of industrial sectors in the regions..... | 115 |
| Ustadjalilov D.R. O‘zbekistonda klasterlarni rivojlantirishning institutsional asoslari transformatsiyasi: direktiv modeldan bozor tamoyillariga..... | 119 |
| Гайбуллаев Ф. Олий таълимда коррупцияга ўрин бўлмаслиги керак!..... | 125 |
| Abdurazakova F.D., Normurodov X.E. Aholi moliyaviy savodxonligi va moliyaviy madaniyati o‘rtasidagi oshirish imkoniyatlarini baholash..... | 129 |
| Muxtarov M.M. Rivojlangan mamlakatlar tajribasi asosida sanoat klasterlarini shakllantirish modellari: O‘zbekiston uchun istiqbollar..... | 136 |
| Ro‘zmatov B.Z., Shodiyeva N.H. Turistik infratuzilmani rivojlantirish bo‘yicha xalqaro tajriba va uning taqqoslovchi tahlili..... | 140 |

| | |
|---|------------|
| Rahmatova N.A., Mustafayeva H. O‘zbekistonda pensiya ta‘minoti tizimining muammolari va hal etish yo‘llari..... | 147 |
| Ахмедов Х. Тинчлик ва хавфсизлик — барқарорлик, иқтисодий ўсиш ва фаровонлик гарови. | 154 |
| Boboyev A.Ch. Qishloq xo‘jaligida ishlab chiqarishni barqaror rivojlantirish yo‘nalishlari..... | 159 |
| Исраилов З.А. Яшил иқтисодиёт технологиялари: халқаро тажриба ва қиёсий таҳлил..... | 165 |
| Ikromov A.Sh. Mahalliy korxonalarda mahsulot raqobatbardoshligini boshqarish amaliyotining o‘ziga xos xususiyatlari..... | 169 |
| Ҳалмирзаев А.А., Қодиров Б.Ш. Ёшлар бандлигини таъминлашнинг хорижий тажрибалари..... | 175 |
| Elmurodov Sh.Sh. A framework for integrating fiscal risks into the assessment of regional financial security..... | 183 |
| Axmadjonov S.S. Tadbirkorlik va biznesni qo‘llab – quvvatlashni baholash mezonlari..... | 188 |
| Sabirova Z.U. Sanoat va sanoat korxonalarining raqamli transformatsiyasi jarayonlarini tahlil qilishga uslubiy yondashuv..... | 192 |
| Pardayev T.N., Alimuxamedov Sh.R. Chetdan olib kelinayotgan tovarlarning bojxona qiymatini aniqlashni takomillashtirishning ayrim masalalari..... | 197 |
| Кадыров А., Исхаков А.К., Турсунова Н.Х. Реализация механизма стратегического управления акционерного общества «Узавтосаноат» на основе прогнозирования его развития..... | 203 |
| Zoxidov T.M. Moliyaviy hisobotni buxgalteriya hisobining milliy standartlaridan (BHMS) moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga (MHXS) o‘tkazishning muammolari va yechimlari..... | 211 |
| Nabiyeva N.M. Turizm xizmatlari bozorida hududiy destinatsiyalar samaradorligini o‘rganish..... | 216 |
| Sharofiddinov Sh.U. Xo‘jalik yurituvchi sub’ektlarda mhxs asosida tuzilgan moliyaviy natijalar to‘g‘risidagi hisobotni axborot manbai sifatidagi afzalliklari..... | 221 |
| Nurmatov Z.Sh. O‘zbekiston respublikasida moliyaviy hisobotlarning xalqaro standartlarini (MHXS) joriy etishning iqtisodiy ahamiyati va amaliy dolzarbligi..... | 225 |
| Содиқов А.М., Зокиров С.С. Саноатни модернизациялаш ва диверсификациялашнинг янги стратегияси..... | 230 |
| Narmanov U., Ikromova S. Fond bozorlariga xorijiy investorlarni jalb qilishni rag‘batlantirish yo‘nalishlari..... | 238 |
| Qutbiddinov A.B. Samarali faoliyat imkoniyatlarini amalga oshirishda boshqaruv xodimlari qobiliyatlaridan foydalanish darajasi va uni oshirish imkoniyatlari..... | 241 |
| Qayumova Sh.S. Mahalliy xomashyo bazasiga ega sanoat korxonalarida investitsiya samaradorligini belgilovchi omillar va ularni oshirishning vertikal integratsiya asosidagi optimallashtirilgan modeli..... | 246 |
| Turebekov A.A. Ishlab chiqarish xarajatlarining iqtisodiy sifatining tahlili..... | 252 |
| Kurbanova M.N., Azizov A.A. Qadimgi klassik iqtisodiy maktablarning shakllanishi va ularning zamonaviy iqtisodiyot rivojlanishiga ta‘siri..... | 255 |
| Samadova G.S. O‘zbekiston iqtisodiyotida tarkibiy o‘zgarishlarning iqtisodiy o‘shishga ta‘siri..... | 259 |
| Абдуллаева Р. Инклюзив тadbirkorlikнинг моҳияти ва хориж тажрибаси..... | 264 |
| To‘uchiyeva B.V. Oziq-ovqat sanoati korxonalarini barqarorligini ta‘minlashda strategik boshqarishning dolzarbligi..... | 268 |
| Amnah Saeed J Alhindi The role of financial resources in ensuring corporate financial stability..... | 272 |
| Fayziyev O.R. O‘zbekistonda baliqchilik klasterlarini moliyalashtirishning hududiy va tarmoq xususiyatlari..... | 276 |
| Алимов Р.А., Султанова Л.Ш. Абсорбционная способность и искусственный интеллект: многоуровневая модель и фигура нового интеллектуала..... | 280 |
| Teshayev Z.J., Muxitdnov Sh.X. Logistika xizmat ko‘rsatish korxonalarini resurslaridan foydalanishning hududiy iqtisodiy rivojlanishiga ta‘siri..... | 284 |
| Xaydarov X.U., Raxmonov D.R. 1907-yilgi moliyaviy inqiroz: sabablari, kechishi va jahon moliya tizimiga ta‘siri..... | 288 |
| Солижонов М.А. Ўзбекистон монетар сиёсатининг савдо балансига таъсирини баҳолаш.... | 292 |
| Rejapov X.X. Davlat xarajatlarining samaradorligini baholash mexanizmlari..... | 297 |

- qishloq xo‘jaligi ishlab chiqarish jarayonini barqaror va samarali rivojlanib borishini ta‘minlashda davlat tomonidan qabul qilingan qonun va normativlar asosida ishlab chiqilgan biznes rejalar asosida iqtisodiy mintaqalarning tabiiy iqlim sharoitlarini e‘tiborga olgan holda rivojlantirish;

- iqtisodiy mintaqa tumanlarida o‘simlikshunoslik va chorvachilik yo‘nalishlarida yetishtirilayotgan mahsulotlarni agrosanoat asosida ishlab chiqarishni tashkil etish asosida mehnatga yaroqli aholini ish joylari bilan ta‘minlash;

- iqtisodiy mintaqalarda davlat va xususiy sherikchilik asosida agroklaster ishlab chiqarish xo‘jaliklarini kooperatsiyalari tariqasida tashkil etish va rivojlantirish;

- qishloq xo‘jaligi ishlab chiqarish sub‘ektlarining mintaqaviy darajada rivojlanib borishi, shuningdek ular o‘rtasidagi tashkiliy, iqtisodiy va ijtimoiy munosabatlarning takomillashib borishi qishloq xo‘jaligi ishlab chiqarishining samarali va barqaror rivojlanishini ta‘minlash;

- klasterlar hududlarda tuproq-iqlim sharoitlariga mos g‘o‘za navlarini ekish va urug‘larini ko‘paytirish, tuproq unumdorligini oshirish, mineral va organik o‘g‘itlardan foydalanish hamda paxtachilikda suv va resurs tejamkor texnologiyalarni joriy etish kerak.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi “O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-4947-sonli Farmoni.
2. O‘zbekiston Respublikasi Milliy statistika qo‘mitasi, O‘zbekiston qishloq xo‘jaligi, 2019-2023 y. T.: 23 33 B.
3. A. Amirov “Agrosanoat majmuasi iqtisodiyoti”, Darslik - 2016., 292 b.
4. Безаев И.Т. Устойчивость мелкого сельскохозяйственного производства // АПК экономика, управление. 1998 №14 С.53-55
5. Булганов Э. Критерии аценки финансовой устойчивости предприятий АПК: Экономика управление 1998 №4 С.70-73

УДК: 338.12

ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ: ХАЛҚАРО ТАЖРИБА ВА ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ

ТЕХНОЛОГИИ "ЗЕЛЕННОЙ ЭКОНОМИКИ": МЕЖДУНАРОДНЫЙ ОПЫТ И СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ

GREEN ECONOMY TECHNOLOGIES: INTERNATIONAL EXPERIENCE AND COMPARATIVE ANALYSIS

Исраилов Зиёдин Абдурасулович

Андижон давлат техника институти. Иқтисодиёт кафедраси катта ўқитувчиси, и.ф.н.

Аннотация

Яшил иқтисодиётни ривожлантириш бугунги кунда миллий хўжаликларни барқарор ривожлантириш омилига айланди. Ривожланган давлатлар яшил технологияларни яратиш орқали яшил иқтисодиётни ривожлантириш муаммоларига ечим топмоқдалар ва бу билан экологик муҳитни бузилишини олдини олишга эришмоқдалар. Ривожланаётган давлатларда эса вазият кескинлигича қолмоқда. Ушбу мақолада яшил иқтисодиётни ривожлантиришда ривожланаётган мамлакат иқтисодиётидаги муаммолар ўрганилган ва улар қиёсий таққосланиб, хулоса ва таклифлар берилган.

Калит сўзлар: яшил иқтисодиёт, яшил энергетика, циркуляр иқтисодиёт, электр транспорт воситалари, экологик курилиш.

Развитие зеленой экономики сегодня стало фактором устойчивого развития национальных хозяйств. Развитые страны находят решения проблем развития зеленой экономики путем создания экологически чистых технологий, тем самым добиваясь предотвращения деградации окружающей среды. Однако в развивающихся странах ситуация остается напряженной. В этой статье исследуются проблемы развития зеленой экономики в развивающихся странах, даются выводы и предложения.

Ключевые слова: "зеленая" экономика, "зеленая" энергетика, экономика замкнутого цикла, электромобили, экологическое строительство.

The development of the green economy has become a factor in the sustainable development of national economies today. Developed countries are developing solutions to the challenges of creating and finding solutions to the problems of developing a green economy by creating environmentally friendly technologies, thereby preventing environmental degradation. However, the situation remains tense in developing countries. This article examines the problems of the development of the green economy in developing countries, provides conclusions, and offers suggestions.

Keywords: "green" economy, "green" energy, closed-loop economy, electric vehicles, ecological construction.

Глобал иқлим ўзгариши ва барқарор ривожланишга ўтиш зарурати шароитида яшил иқтисодиёт концепцияси Ўзбекистон учун стратегик аҳамиятга эга. Бу ёндашув экологик хавфларни камайтириш ва иқтисодий фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган инновацион технологиялардан фойдаланишни ўз ичига олади. Ушбу мақоланинг мақсади яшил иқтисодиёт технологияларини кўриб чиқиш, уларни қўллаш бўйича халқаро тажрибани қиёсий таққослаш ва ривожланаётган мамлакатлар, шу жумладан Ўзбекистоннинг истиқболларини аниқлашдан иборат.

Бугунги кунда қайта тикланадиган энергия ёки яшил энергия янги турдаги технология ҳисобланмоқда. Қуёш панеллари, шамол турбиналари ва биогаз қурилмалари анъанавий қазилма ёқилғисига боғлиқликни камайтириши мумкин [2]. Яшил транспорт технологияси. Электр энергия асосида ишловчи ва гибрид двигателлар СО₂ чиқиндиларини камайтиришда муҳим элементга айланмоқда [3]. Экологик тоза қурилиш материаллари. Энергия тежайдиган материаллар ва ақлли бинолардан фойдаланиш энергия сарфини камайтиришни таъминлайди. Чиқиндиларни қайта ишлаш. Чиқиндиларни саралаш ва қайта ишлаш технологиялари сиркуляр иқтисодиётни шакллантиришга ҳисса қўшмоқда. Яшил қишлоқ хўжалиги. Яшил қишлоқ хўжалиги илғор биотехнологиялардан фойдаланиш эвазига сув ва ўғитлардан раціонал фойдаланишни оптималлаштиришга имкон беради [4].

Замонавий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, яшил иқтисодиёт экология, иқтисодиёт ва инновацион технологияларни бирлаштирган фанлараро соҳадир. [1] Бугунги кунда ривожланишнинг асосий омиллари қайта тикланадиган энергия ва сиркуляр иқтисодиёт эканлигини кўрсатди. [2] 2016-2022 йиллардаги нашрларнинг библиометрик таҳлили кўрсатмоқдаки, дунё миқёсида ресурсларни бошқаришда рақамли технологияларга (Big Data) қизиқиш ортиб бормоқда. [4] ЮНЕП ташкилоти ҳисоботи эса яшил технологияларни миллий ривожланиш стратегияларига қўшиш зарурлигига эътибор қаратган. [3] Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, яшил иқтисодиётни ривожлантириш бугунги кунда глобал тенденция сифатида кўриб чиқилмоқда. Аммо, уни ривожлантириш лойиҳаларни молиялаштириш даражасига, институционал қўллаб-қувватлаш ва технологик етукликка боғлиқ бўлади. Яшил иқтисодиётни ривожлантиришнинг Ўзбекистон Республикаси шароитидаги муаммоларига эътибор қаратсак, қуйидаги муаммоларни кўриш мумкин:

■ Инновацион инфратузилманинг етишмаслиги — яшил технологияларнинг жорий этилиши учун илмий-техникавий инфратузилма етарли эмас. (Гулямов С.С., Аюпов Р.Х., Абдуллаев О.М., 2019, ТМИ);

▪ Молиялаштириш муаммолари — давлат дастурлари мавжуд бўлса-да, хусусий сектор иштирокининг паст. (Сафаров А., Шукуров З., 2023, *DTPI*);

▪ Қонунчилик ва институтицион асосларнинг заифлиги — “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси 2022–2026” яшил иқтисодиёт устувор йўналиш сифатида белгиланган, аммо аниқ ҳуқуқий механизмлар ҳали тўлиқ ишлаб чиқилмаган.

▪ Кадрлар тайёрлаш ва малака муаммолари — таъкидлаганидек, иқтисодий соҳадаги кадрлар экологик инновацияларни қўллаш бўйича етарли билимга эга эмас. Худаяров Б.М. (2023, *ssuv.uz*);

▪ Саноат соҳаларида энергиядан самарасиз фойдаланиш — тадқиқотларида транспорт ва тўқимачилик тармоқларида энергия тежамкор технологияларни жорий этиш суръати сустлиги кайд этилган. Паязов М. (2023, *TSUE*) ва Алимқулова З.Б. (2025, *inlibrary.uz*)

▪ Сув ва ер ресурсларидан самарасиз фойдаланиш — Ўзбекистон Фанлар академияси ҳисоботида сув тежовчи технологияларнинг камлиги асосий экологик хавф сифатида баҳоланган. (*uzsci.uz*, 2019);

▪ Институтицион ҳамкорлик етишмаслиги — давлат, хусусий сектор ва академик институтлар ўртасидаги алоқа тизимли эмас;

▪ Қишлоқ хўжалигида яшил технологиялардан фойдаланишда маблағ танқислиги — ҳуқумат дастурлари мавжуд, аммо амалий татбиқ этиш даражаси паст. (*assets.uzsci.uz*, 2019).

▪ Яшил инновациялар бозорининг ривожланмаганлиги — маҳаллий ишлаб чиқарувчилар технология янгиликларини жорий этишда ташқи инвестицияга муҳтож. Азимова Л. (2024, *inlibrary.uz*)

▪ Аҳоли онги ва билим даражаси пастлиги — яшил иқтисодиёт ғоялари кенг жамоатчиликка етарли даражада етказилмаган.

Демак, ривожланаётган мамлакатларда яшил технологияларни ривожлантиришда, бир қатор тизимли муаммолар мавжуд:

- молиявий тўсиқлар: инновацияларнинг юқори нархи, ривожланаётган мамлакатларга "яшил" инвестицияларга чекланган кириш [5].

- инфратузилмавий чекловлар: энергия тармоқларини, *transport* инфратузилмасини ва чиқиндиларни тозалаш тизимларини модернизация қилиш зарурати.

- ижтимоий омиллар: аҳолининг кам хабардорлиги, таълим дастурлари ва инсон ресурсларининг етишмаслиги.

- институтиционал муаммолар: заиф меъёрий-ҳуқуқий база, бизнесни рағбатлантиришнинг йўқлиги, ҳуқуматнинг лойиҳани қўллаб-қувватлашга чекланган иштироки [6].

- технологик бўшлиқ: ривожланаётган мамлакатлар рақамлаштириш ва ресурсларни бошқаришда сунъий интеллектни жорий этиш соҳасида ривожланган мамлакатлардан орқада қолмоқда [7].

Ушбу мақолада яшил иқтисодиёт муаммоларини ўрганишда статистик кузатиш усули (Давлат статистика қўмитаси, БМТ, UNDP, World Bank) халқаро ташкилотларнинг маълумотлари асосида яшил иқтисодиёт кўрсаткичлари таҳлил қилинади. Шунингдек, қиёсий таҳлил усулидан фойдаланиб, Ўзбекистон тажрибаси бошқа мамлакатлар (АҚШ, Европа Иттифоқи, Хитой) билан солиштирилади. Эксперт баҳолаш усулидан фойдаланиб, мутахассислар фикри асосида устувор соҳалар, молиялаштириш муаммолари аниқланади.


Европа Иттифоқи стратегияси: Европа яшил битими 2050 йилга келиб иқтисодиётни иқлим салбий таъсирига нейтрал ҳолатга эришган иқтисодиётга айлантириш режасидир. Асосий йўналишлар: 2030 йилга келиб чиқиндиларни 55 фоизга камайтириш, қайта тикланадиган энергетикани ривожлантириш, ақлли транспорт тизимларини жорий этиш ва экологик қурилишни ривожлантириш. Яшил иқтисодиётни институтиционал қўллаб қувватлаш: узоқ муддатли барқарорликни таъминлайдиган чоралар қонунчиликда мустаҳкамланган. (Европа иқлим Қонуни). Натижа: тоза технологиялар сектори 2010-2021 йилларда Европа Иттифоқи ЯИМсидан икки баравар тез ўсди.

Америка Қўшма Штатлари. Инновация ёндашув: Қўшма Штатлар электр транспорт воситалари, энергия сақлаш технологиялари ва рақамли ресурсларни бошқариш бозорига оид

технологияларни фаол ривожлантирмоқда. Инвестициялар: 2025 йилга келиб, Қўшма Штатлардаги яшил технологиялар бозори 1,5 триллион долларга баҳоланмоқда ва бу мамлакатни инвестициялар бўйича етакчилардан бирига айлантиради. Натижалар: сиёсий бекарорликка қарамай, Қўшма Штатлар барқарор ривожланиш соҳасидаги инновациялар ва технологиялар учун энг йирик бозор бўлиб қолмоқда.

Хитой. Ўзгаришлар микёси: Хитой қуёш панеллари, литий батареялар ва электр транспорт воситаларини ишлаб чиқариш бўйича дунёда етакчи мамлакат ҳисобланади. Ҳукумат сиёсати: субсидиялар, инвестициялар ва стратегик ривожланиш режалари орқали "яшил" технологияларни фаол қўллаб-қувватлаш. Натижа: қайта тикланадиган энергетика соҳасининг жадал ўсиши, экологик стандартларни жорий этиш ҳисобига сув ва ҳавонинг ифлосланишини камайтиришга эришиш.

Европа Иттифоқи стратегияси 2050 йилгача углерод нейтраллигига эришишга қаратилган. [5] Қўшма Штатлар: инновациялар ва инвестициялар бўйича етакчи ҳисобланади. Электр транспорт воситалари бозори ва энергия сақлаш технологияларини ривожлантиришда етакчилик қилмоқда. Хитой: яшил технологияларни жорий этиш ва ишлаб чиқариш микёсида етакчи. Чиқиндиларни қайта ишлаш ва биоёқилғини амалга ошириш бўйича кенг қўламли лойиҳаларни амалга оширишда етакчилик қилябди. Ўзбекистон: қуёш энергияси ва сувни тежаш лойиҳалари, барқарор ривожланиш бўйича халқаро ташаббусларни қўллаб-қувватлаш интилмоқда. [6].



1-расм. Минтақалар бўйича яшил технологияларга инвестицияларнинг устун шакли (ЕИ, АҚШ, Хитой, Ўзбекистон).

Яшил иқтисодиёт технологиялари барқарор ривожланишнинг стратегик воситасидир. Уларни амалга ошириш бир вақтнинг ўзида иқтисодий ўсиш ва экологик хавфсизлик муаммоларини ҳал қилишга имкон беради. Ўзбекистонда яшил иқтисодиёт технологияларини жорий этиш соҳасида қонунчилик асослари ва давлат дастурлари мавжуд бўлса-да, амалий татбиқ жараёнида молиявий, техник, кадрлар ва илмий-амалий тўсиқлар сақланиб қолмоқда. Рақамли технологиялар, сув тежовчи тизимлар ва қайта тикланувчи энергия манбаларини кенгайтириш мамлакатнинг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Яшил иқтисодиёт технологияларини жорий этишдаги асосий тўсиқлар юқори харажатлар, инфратузилма чекловлари ва аҳолининг кам хабардорлиги билан боғлиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Bernykov V., Bilousko T., Bilousko R., Pitel N., Starovoyit V. Green Technologies and Their Contribution to a Sustainable Global Economy in 2020–2025: A Literature Review // *Futurity Economics & Law*. – 2025. – Vol. 5(1). – P. 161–178.
2. Zhu J. J., Zhang R., Kanhalikham K., Liu Z., Shen X. Green economy studies amongst the global climate change challenge between 2016 and 2022: a bibliometric review // *Frontiers in Ecology and Evolution*. – 2023. – Vol. 11.
3. European Commission. *The European Green Deal*. – Brussels: EC, 2019.
4. UNEP. *Towards a Green Economy: Pathways to Sustainable Development and Poverty Eradication*. – Nairobi: United Nations Environment Programme, 2011.
5. OECD. *Green Growth Indicators*. – Paris: OECD Publishing, 2021.
6. Asian Development Bank. *Central Asia Regional Economic Cooperation: Green Energy Projects*. – Manila: ADB, 2022.
7. World Bank. *Green Economy and Sustainable Development*. – Washington: World Bank, 2020.

UDK: 338.4

**MAHALLIY KORXONALARDA MAHSULOT RAQOBATBARDOSHLIGINI
BOSHQARISH AMALIYOTINING O‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI**

**ОСОБЕННОСТИ ПРАКТИКИ УПРАВЛЕНИЯ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТЬЮ
ПРОДУКЦИИ НА МЕСТНЫХ ПРЕДПРИЯТИЯХ**

**SPECIFIC FEATURES OF PRODUCT COMPETITIVENESS MANAGEMENT
PRACTICES IN LOCAL ENTERPRISES**

Ikromov Axmadjon Shavkat o‘g‘li

Mirzo Ulug‘bek nomidagi O‘zbekiston Milliy universiteti “Ekonometrika va iqtisodiy modellashtirish” kafedrasida katta o‘qituvchisi, iqtisodiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori PhD

Annotatsiya

Mazkur maqolada mahalliy korxonalarda mahsulot raqobatbardoshligini boshqarish amaliyotining o‘ziga xos xususiyatlari tahlil qilinadi. Tadqiqot jarayonida raqobatbardoshlikni shakllantiruvchi asosiy omillar, jumladan mahsulot sifati, narx siyosati, innovatsion faoliyat, marketing strategiyalari hamda davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlash mexanizmlarining o‘rni o‘rganiladi. Shuningdek, mahalliy bozor sharoitida korxonalarining ichki resurslardan samarali foydalanishi va boshqaruv qarorlarini optimallashtirish masalalariga alohida e‘tibor qaratiladi. Tadqiqot natijalari mahalliy korxonalarining raqobat ustunliklarini mustahkamlash va bozor pozitsiyasini yaxshilashga qaratilgan amaliy tavsiyalar ishlab chiqishga xizmat qiladi.

Kalit so‘zlar: raqobatbardoshlik, mahalliy korxonalar, mahsulot sifati, boshqaruv mexanizmi, marketing strategiyasi, innovatsiyalar.

В статье анализируются особенности практики управления конкурентоспособностью продукции на местных предприятиях. В ходе исследования рассматриваются ключевые факторы формирования конкурентоспособности, включая качество продукции, ценовую политику, инновационную деятельность, маркетинговые стратегии и механизмы государственной поддержки. Особое внимание уделяется вопросам эффективного использования внутренних ресурсов предприятий и оптимизации управленческих решений в условиях местного рынка. Полученные результаты направлены на разработку практических рекомендаций по укреплению конкурентных преимуществ и повышению рыночных позиций местных предприятий.